



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ЭВКАЗОЛИН® АКВА

Препаратнинг савдо номи: Эквазолин® Аква
Таъсир этувчи модда (ХПН): Ксилометазолин
Дори шакли: Назал спрей.

Таркиби:

1 г спрей қуйидагиларни сақлайди:

фаол модда: 100% моддага қайта ҳисоблаганда ксилометазолин гидрохлориди 1 мг;

ёрдамчи моддалар: бензалконий хлориди, эвкалипт мойи, динатрий эдетати, пропиленгликоль, полиэтиленгликоль 1500, повидон, гипромелоза, полисорбат 20, натрий гидрофосфат додекагидрати, калий дигидрофосфати, тозаланган сув.

Таърифи: препарат бурун пуркагичли насос-дозатор орқали флакондан чиқишида ўзига хос ҳидга эга бўлган ва ҳавода дисперсияланган суюқлик заррачалардан иборат бўлган аэрозол оқими қўринишида пуркалади.

Фармакотерапевтик гуруҳи: бурун бўшлиғи касалликларида қўлланадиган восита. Бурун бўшлиғи касалликларида маҳаллий қўллаш учун шишга қарши ва бошқа препаратлар. Симпатомиметиклар, оддий препаратлар.

АТХ коди: R01AA07

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Ксилометазолин α -адренергик рецепторларга таъсир кўрсатувчи симпатомиметик агент ҳисобланади.

Ксилометазолинни назал қўллаганда бурун шиллиқ қавати ва бурун-халқумнинг ёндош соҳасининг қон-томирларни торайтиришини олиб келади, шу тарзда бурун ва бурун-халқум шиллиқ қаватнинг шиш ва гиперемияни бартараф этади, шунингдек у билан боғлиқ кўп шиллиқ ажралишини камайтиради ва бурундан блокланган ажралмаларни чиқишини енгиллаштиради, бу бурун йўллари тозалашга ва бурун орқали нафас олишни енгиллаштиришига олиб келади.

Препаратнинг таъсири қўллангандан кейин 2 минут давомида бошланади ва 12 соатгача (масалан, кечаси давомида) сақланади.

Препарат бурун шиллиқ қават сезгир бўлган беморларда яхши ўзлаштирилади ва мукоциллиар функцияни пасайтирмайди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ксилометазолин оддий шамоллаш билан ассоциацияланган одам риновирусининг инфекция фаоллигини камайтиради.

Фармакокинетикаси

Маҳаллий қўлланганда ксилометазолин деярли сўрилмайди, қон плазмасида ксилометазолин концентрацияси шунчалик камки, бу деярли аниқланмайди (қон плазмасида концентрацияси аниқлаш лимитига яқин).

Ксилометазолин мутаген хусусиятга эга эмас. Шунингдек ҳайвонларда ўтказилган тадқиқотларда ксилометазолинни тератоген таъсири аниқланмаган.

Қўлланилиши

Шамоллаганда бурун битиши, пичан иситмаси, аллергия ринитлар, синуситларни симптоматик даволашда.

Бурун бўшлиғи ёндош касалликларида секрет оқишини енгиллаштириш учун.

Ўрта отитда қўшимча даволашда (бурун бўшлиғи шиллиқ қаватининг шишини бартараф этиш учун).

Риноскопия ўтказишда енгиллаштириш учун қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Эвказолин® Аква, назал спрейи катталар ва 12 ёшдан ошган болаларга қўлланади.

Катталар ва 12 ёшдан ошган болалар:

заруриятга қараб ҳар бир бурун йўлига 1 пуркашдан суткада 3 мартагача буюрилади. Ҳар бир бурун йўлига суткада 3 мартадан кўп қўлланмайди. Даволашнинг давомийлиги касалликнинг кечишига боғлиқ ва кетма-кет 10 кундан ошмаслиги керак.

Дозаланган спрей дозалаш аниқлигини ва эритмани бурун шиллиқ қавати юзаси бўйлаб тегишли равишда тақсимланишини таъминлайди.

Ишлатишдан олдин дозаловчи қурилмани, спрей ҳавога чиқишни бошламасидан, бир нечта пуркаш ҳаракатларини амалга ошириш йўли орқали тайёр ҳолатга келтириш зарур. Дозаловчи қурилма кейинги қўллашга, зарур ҳолатларда қўллаш учун тайёр туради.

Спрейни қуйидаги тарзда қўлланади:

- препаратни қўллашдан олдин бурунни яхшилаб тозаланг;
- флакон тубини бош бармоқ билан ушлаб ва учликни икки бармоқ орасига жойлаштириб вертикал ҳолатда ушланг.
- флаконни енгил эгинг ва учликни бурун йўлига қўйинг.
- пуркашни амалга оширинг ва бир вақтнинг ўзида бурун орқали енгил нафас олинг.
- қўллагандан кейин, учликни қопқоқча билан беркитишдан олдин, учликни тозалаш ва қурутиш керак.
- препарати бўлган флаконга инфекция тушишини олдини олиш мақсадида, фақат бир киши ишлатиши мумкин.

Охириги қўллашни бевосита уйқудан олдин амалга ошириш тавсия этилади.

Болалар

12 ёшдан кичик болаларга препарат қўлланилмасин.

Ножўя таъсири

Иммун тизими томонидан:

кам ҳолларда ($<1/10000$): юқори сезувчанлик реакциялари, жумладан ангионевротик шиш, тошма, қичишиш.

Нерв тизими томонидан:

тез-тез ($\geq 1 / 100, <1/10$): бош оғриғи.

Қўриш аъзолари томонидан:

кам ҳолларда ($<1/10000$): кўришни вақтинчалик бузилиши.

Юрак қон-томир тизими томонидан:

кам ҳолларда ($<1/10000$): мунтазам бўлмаган ёки юрак уришининг тезлашиши.

Нафас олиш, қўкрак қафаси ва қўкс оралиғи аъзолари томонидан:

тез-тез ($\geq 1 / 100, <1/10$): бурун шиллиқ қавати томонидан дискомфорт ва қуруқлик.

Меъда-ичак йўллари томонидан:

тез-тез ($\geq 1 / 100, <1/10$) кўнгил айланиши.

Юбориш жойидаги умумий бузилишлар ва реакциялар:

тез-тез ($\geq 1 / 100, <1/10$): юборилган жойда ачишиш ҳисси.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Ксилометазолинга ёки препаратнинг бошқа ҳар қандай компонентларига юқори сезувчанлик, ўткир коронар касалликлари, коронар астма, гипертиреоз, ёпиқ бурчакли глаукома, трансфеноидал гипофизэктомия ва анамнезида очик мия қавати бўлган жарроҳлик аралашувлари, қуруқ ринит ёки атрофик ринитда қўллаш мумкин эмас. МАО

ингибиторлари билан ёндош даволашда ва уларни қўллашни тўхтатгандан кейин 2 ҳафта давомида қўллаш мумкин эмас.

Дори воситалари билан ўзаро таъсири

Моноаминоксидаза ингибиторлари (МАО ингибиторлари): ксилометазолин моноаминоксидаза ингибиторларининг таъсирини потенциаллаштириши ва гипертензив кризисни индукция қилиши мумкин. Ксилометазолинни МАО ингибиторларини қабул қилган ёки қабул қилаётган пациентларга охириги икки ҳафта давомида қўллаш мумкин эмас.

Три- ва тетрациклик антидепрессантлар: три- ва тетрациклик антидепрессантлар ва симпатомиметик препаратларни биргаликда қўллаганда, ксилометазолинни симпатомиметик самарасини кучайтириши мумкин, шунинг учун бундай препаратларни биргаликда қўллаш тавсия этилмайди.

β-блокаторлар билан бирга қўллаганда бронхиял спазмни чақириши ва артериал босимни пасайтириши мумкин.

Махсус кўрсатмалар

Препаратни кетма-кет 10 кундан ортиқ қўллаш мумкин эмас. Жуда ҳам узоқ муддат ёки ҳаддан ташқари кўп қўллаш қайта бурун битиши ва/ёки бурун шиллиқ қаватининг атрофиясига олиб келиши мумкин.

Препаратни бошқа симпатомиметиклар каби уйқусизлик, бош айланиши, қалтираш, юрак аритмияси ёки артериал босимни ошириши кўринишидаги адренергик воситаларга кучли реакциялари бўлган пациентларга эҳтиёткорлик билан буюриш керак.

Препаратни тавсия этилган дозасидан, айниқса болалар ва кекса ёшдаги шахсларни даволашда ошириш мумкин эмас.

Препаратни юрак-томир касаллиги бўлган пациентларга, артериал гипертензия, қандли диабет бўлган беморларда, феохромоцитом, простата бези гипертрофияси бўлган пациентларга эҳтиёткорлик билан буюриш керак, шунингдек МАО ингибиторларини қабул қилаётган пациентларга ва уларни қўллаш тўхтатгандан кейин 2 ҳафта давомида қўллаш мумкин эмас.

Препарат бурун шиллиқ қаватида қўзғалишларни чақириши мумкин бўлган бензалконий хлорид сақлайди.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши

Препаратни ҳомиладорлик даврида потенциал томирларни торайтирувчи таъсири туфайли қўллаш мумкин эмас.

Чақалоқларга ҳар қандай нохуш таъсирларининг исботи йўқ. Ксилометазолин кўкрак сутига экскрецияси нолга, шунинг учун эҳтиёткорлик зарур, препаратни эмишиш даврида фақат шифокор тавсияси бўйича қўллаш керак.

Фертилик

Препаратни фертиликка таъсири ҳақида тегишли маълумотлар йўқ. Ксилометазолин гидрохлоридни тизимли экспозиция жуда пастлиги сабабли, фертиликка таъсири эҳтимоллиги жуда ҳам паст.

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Одатда препарат транспорт воситаларини бошқариш ёки бошқа механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсир кўрсатмайди ёки аҳамиятсиз таъсир кўрсатади.

Дозани ошириб юборилиши

Ксилометазолин гидрохлоридни ҳаддан кўп маҳаллий қўллаганда ёки уни тасодифан ичга тушиши кучли бош айланиши, кўп терлаш, тана ҳароратини аҳамиятли тушишга, бош оғриги, брадикардия, артериал гипертензия, нафас олишни қийинлаштириши, кома ва тиричиликларни юзага келишига олиб келиши мумкин. Юқори артериал босим босимни камайтиришга ўзгариши мумкин. Кичик ёшдаги болалар катталарга қараганда токсикликка кўпроқ сезгирдир.

Дозани ошириб юборилганига шубҳа бўлган барча пациентларга мувофиқ бир маромда ушлаб турувчи тадбирларни, шунингдек зарур ҳолларда тиббий назорат остида шошилиш симптоматик даволаш буюриш керак. Тиббий ёрдам бир неча соат давомида пациентни кузатишни ўз ичига олиши зарур. Юрак тўхташи билан кечадиган дозани ошириб юборилишнинг оғир ҳолатларида, реанимацион чоралар камида 1 соат давом эттирилиши керак.

Чиқарилиш шакли

10 г дан флаконларда. 1 флакон тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга кутида.

Саклаш шароити

Ёруғликдан химояланган жойда, 25⁰С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилиқ муддати

2 йил.

Яроқлилиқ муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи

«Фармак» АЖ. Украина, 04080, Киев ш., Кирилловская кўчаси, 63.

Ишлаб чиқарувчининг жойи ва фаолиятини амалга ошириш жойининг манзили

Украина, 04080, Киев ш., Кирилловская кўчаси, 74.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларнинг сифати бўйича шикоятларни (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:

"Фармак" АЖ нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси.

100170 Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек тумани, Зиёлилар кўч. 12а, 1/2

e-mail: info@farmak.ua

Тел: +998 (71) 235-77-13